

БИР ЁШГАЧА БЎЛГАН ЧАҚАЛОҚЛАР НАФАС АЪЗОЛАРИ КАСАЛЛИКЛАРИДА КУЗАТИЛАДИГАН МОРФОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАР

Хакназаров Сухроб Саиткулович

Ўроқов Музаффар Норкул ўғли

Навоий Давлат Педагогика институти

Тиббиёт факултети. Умумий тиббий фанлар кафедраси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7297903>

Аннотация. Бу мақолада Навоий вилояти патологик анатомия маркази бюросида 2019-2021 йилларда ўлик келган бир ёшгача пневмопатиялар бор мурдаларнинг ўлим тарихи маълумотлари ретроспектив таҳлил қилинди. Тадқиқотда бир ёшгача бўлган болалар ўлими орасида эрта неонатал давр (28 кунгача) бўлган болалар ўлими 45% ташкил этди. ЎРВИ, пневмопатиялар сабабли ўлим тарихларида бактериял инфекциялар ўстун туриб, улар орасида *klebsiella pneumoniae* етакчи ўринни эгалаган.

Калит сўзлар: Болалар, грипп, пневмония, дистрофия, ателектаз, эмфезема, бактериологик, цитологик, гистологик.

МОРФОЛОГИЧЕСКИЕ ИЗМЕНЕНИЯ, НАБЛЮДАЕМЫЕ ПРИ ЗАБОЛЕВАНИЯХ ОРГАНОВ ДЫХАНИЯ У ДЕТЕЙ В ВОЗРАСТЕ ДО ОДНОГО ГОДА

Аннотация. В данной статье проведен ретроспективный анализ данных по истории смерти трупов с пневмопатиями в возрасте до одного года, поступивших мертвыми в 2019-2021 годах в бюро Центра патологической анатомии Навоийской области. Среди смертей детей в возрасте до одного года в исследовании смертность детей с ранним неонатальным периодом (до 28 дней) составила 45%. В истории смертности от ОРВИ, пневмопатий бактериальные инфекции замерли на месте, среди которых лидирующую позицию заняла клебсиеллезная пневмония.

Ключевые слова: Дети, грипп, пневмония, дистрофия, ателектаз, эмфезема, бактериологический, цитологический, гистологический.

MORPHOLOGICAL CHANGES OBSERVED IN DISEASES OF THE RESPIRATORY ORGANS IN BABIES UNDER ONE YEAR OLD

Abstract. This article retrospective analysis of data on the history of death of corpses with pneumopathies under one year old who came dead in 2019-2021 at the Bureau of the Center for pathological anatomy of the Navoi region. Among the deaths of children under one year of age in the study, the mortality of children with an early neonatal period (up to 28 days) was 45%. In the history of death due to Orvi, pneumopathies, bacterial infections have stood still, among which *klebsiella pneumoniae* has bent the leading position.

Keywords: Children, flu, pneumonia, dystrophy, atelectasis, emfезema, bacteriological, cytological, histological.

КИРИШ

Муаммонинг долзарблиги: ЖССТ маълумотларига кўра дўнё тиббиёт соҳасида болалар ўлими энг асосий муаммолардан бири бўлиб келмоқда. Бугунги кунда болалар ўлими даражаси 1000 та тирик тўғилган болаларда 15,6% тўғри келишига қарамасдан болалар тўғилиши кўрсаткичи жуда паст, яни 9,1% ташкил қилмоқда. Жумладан 5 ёшгача болалар ўлим кўрсаткичи Ўзбекистонда 2018 йилда 9,8 минг нафарни ташкил қилмоқда.[1] Чунончи, болалар (5 ёшгача) ўлими коэффициенти Россия Федерациясида 7

%, АҚШда 6,9%, Буюк Британияда 4,4%, Франция ва Германияда 3,6%, Жанубий Кореяда 2,6%, Швеция ва Японияда 2,4%, ни ташкил этган [2]. Ривожланган мамлакатларда болаларда бронхопневмония асорати тахминан 6% ҳолларда учраса, кўкрак ёшидаги ва 6 ойгача бўлган болаларда эса бу асорат даражаси 4 баробар кўп кузатилади. [3-7]

МЕТОД ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Янги тўғилган чақалоқлар орасида касалланиш ва ўлим кўрсаткичида етакчи ўринни нафас олиш аъзоларидаги пневмопатиялар ташкил қилади, бу эса вақтдан олдин тўғилган чақалоқларда ўчрайди. [4] Тошкент шаҳрида тўсатдан ўлиш синдроми 76,5% ҳолларда 1-6 ойлик болалар орасида кузатилди. Йилнинг совуқ фаслида (ноябр, декабр) ойларида бундай ўлим ҳоллари кўпроқ кузатилади. [5] Кўпроқ экстрагенитал патология (камқонлик, ОРВИ, Rh-иммунизация) ли ва оғирлашган акушерлик анамнези бўлган оналардан вақтидан олдин туғилган чақалоқларда пневмопатиялар ривожланади. Нафас аъзолари касалликлари ўлим сабаби кўрсаткичи бўйича бешинчи ўринни (4,1-4,2 %), болалар орасида эса иккинчи ўринни (16,6%) эгаллайди. Нафас аъзолари касалликлари орасида катта муаммоларга сабаб бўлувчи яна бир нечта касалликлар бор. Буларга ўпканинг интерстициал касалликлари, муковисцидоз, нафас етишмовчилиги, уйқу апноэ синдроми, ўпка сили ва юқори нафас аъзолари касалликлари киради. [6]

Навоий шаҳри ва Навоий вилояти паталогик анатомия маркази маълумотларига кўра, охириги 3 йил орасида чақалоқлар пневмопатияси билан касалланиб ўлим кўзатилган болалар тенденцияси аниқланди.

Тадқиқот мақсади: Бир ёшгача бўлган чақалоқлар нафас аъзолари касалликларида ички аъзоларида рўй берадиган морфологик ўзгаришлар ва ўлим сабабларини ўрганиш.

Тадқиқот материаллари ва усуллари: Кузатув материаллари Навоий вилояти паталогик анатомия маркази бюросида 2019-2021 йилларда ўлик келган бир ёшгача пневмопатиялар бор мурдаларнинг ўлим тарихи маълумотлари ретроспектив тахлилари асосида ўрганилди. Текширувга 40 та бир ёшгача бўлган болалар ўлим тарихлари олинди.


Чақалоқлар ўпкаси, 1 ойлик давр. Штангенциркуль ёрдамида трахеа ва бронхларни улчамини олиш.




Ўрганиш қўлай булиши мақсадида гуруҳчаларга бўлиб олинди. 1-гуруҳча- тўғилгандан-28 кунгача бўлган болалар, 2-гуруҳча-1-6 ойлик болалар, 3-гуруҳчага 6 ойликдан-1 ёшгача бўлган болалар ўлим тарихлари олинди. Жинс буйича фарқ кўзатилди яни ўғил болалар 25 нафар (63%), қиз болалар 15 нафар (37%) ташкил этди.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАСИ

Текширув натижалари: Тадқиқот учун барча беморлардан (ўпка, бронхлар, юрак, буйрак, жигар, мия) қисмларидан олинган патанатомик материаллари бактериологик, цитологик, гистологик текширувлардан ўтказилган. Текширувдаги беморларни вафот этган даври буйича ажратилганида 1-3 кунда вафот этганлар: 11 нафар (27,5%), 4-28 кунгача эса 7 нафар (17,5%) ни, 1-6 ойлик болалар 12 нафар (30%) ни, 6-12 ойлик эса 10 нафар (25%)ни ташкил қилди. Бундан ташқари болаларни тана вазни, боланинг тўғилиши, овқатланишининг табиати, клиникага киришдан олдин касалликининг давомийлиги ва оқибати, она томонидан бўлган сабаблар инобатга олинган. Олинган патанатомик материаллар бактериологик таҳлилида ўткир икки томонлама пневмония ташхиси ҳамма беморларда аниқланган. Шулардан вирусли пневмония 9 нафар (22,5%) болаларда, бактериал пневмония 26 нафар (65%)ида, вирус-бактериал пневмония эса 5 нафар (12,5%) бемор болаларда аниқланди. Бактериал инфекцияларнинг патогенларидан *klebsiella pneumonia* 21 та энг кўп топилган. *Pseudomonas aeruginosa* (7та), *Proteus mirabilis* (5 та), *Streptococcus viridans* (2 та), *Enterobacter aerogenes* (3 та), ва аралаш инфекциялар *kl. pneumonia* + *Ps. aeruginosa* (2 та), вирусли патогеннинг турини аниқлаш имкони бумаган. Барча болаларда жигарида дисиркулятция, дистрофия ва ялиғланиш хос ўзгаришлар аниқланди. Айниқса, ҳамма бемор болаларни ўпка-бронхлар тўқимаси цитологик текширилганида ўпка тўқимасида қон айланишининг бузилиши, ўпканинг интерстициал тўқималарига зарар етиши, пневмопатияларга хос бўлмаган асоратларни тез ривожланиши, морфологик ўзгаришлари аниқланди. Гистологик жихатдан ўпка тўқимаси ялиғланиш марказидан қон кетишлар, ўпка тўқималари алвеолаларида сероз-геморагик экссудат, эритроцитлар, алвеолалар макрофагларни борлиги аниқланди. Микроскоп билан текшириб кўрилганида ўпканинг зарарланган жойларида ателектазлар ва эмфиземага хос тарзда шишиб кетган респиратор бронхиолалар ва алвеолалар топилади.



1-расм. Терминал бронхиола. Бир ойлик давр. Бронхиола девори қопловчи эпителий(1), нозик хусусий пластинка(2) ва силлиқ мушак қаватларидан иборат. Бўёқ: Г-Э. Кат: 10x40.



2-расм. Терминал бронхиола. Бир ойлик давр. Бронхиола деворидаги пикрофуксин билан мусбат бўялган толали тузилмалар атрофидаги қон томирлар девори толалари билан қўшилиб кетган(1). Бўёқ: Г-Э. Кат: 10x40.

МУҲОКАМА

Капиллярларда қон димланиб туриб қолгани кўзга ташланди ва ателектаз бор жойларда ҳам, ўпка шишиб турган жойларда ҳам гиалин мембраналар борлиги аниқланди. Қон реологиясини бузилиши нафақат ўпка тўқимасида, балки марказий асаб тизими, ички органлар сероз ва шиллиқ пардаларида тўлиқ қонлик- стаз топилди, қон томир атрофида, мия тўқималарида хар хил периваскуляр ва прецилуляр шишларнинг кўчайганлиги аниқланди. Эрта чақолоқлик даврида болалар ўлимнинг сабабларига она томонидан бўладиган турли сабаблар, жумладан:

- 1) ҳомиладор аёлнинг ҳаддан ташқари ҳаракатсиз тарзда ҳаёт кечиргани;
- 2) туғруқ маҳалида калла ичига зарар етгани;
- 3) қоғоноқ сувлари ёки қон лахталари аспирасияси туфайли нафас бўғилиши, (асфиксия);
- 4) киндикнинг ҳомила бўйнига ўралиб қолиши натижасида она қорнида юз берадиган ҳомила гипоксияси;
- 5) ўпканинг ривожланиш нуқсонлари анамнестик маълумотлари асосида аниқланган.

ХУЛОСА

Шундан хулоса қиламизки, бир ёшгача бўлган болалар ўлими орасида эрта неонатал давр (28 кунгача) бўлган болалар ўлими 45% ташкил этди. Бунга асосан бунга ўткир юқумли касалликлар (грипп, пневмония ва тўғма юрак нуқсонлари), йўлдошнинг олдинда жойлашувидан она ичи асфиксияси, йўлдошнинг инфаркти, унинг кўчиши, киндик тизимчасининг тугунсимон боғланиши, сиқилиши ёки бўйин атрофида ўралиб қолиши сабаб бўлиб ҳисобланган.

ЎРВИ, пневмопатиялар сабабли ўлим тарихларида бактериал инфекциялар ўстун туриб, улар орасида *klebsiella pneumoniae* етакчи ўринни эгалаган.

Текширувдаги бемор болаларда ўпка-бронх тўқималари гистологик, цитологик текширилганида ўпка-бронх тўқималарида қон реологиясини бўзилиши тўлақонлик, шиш, алвеолалар деворида гиалин мембраноз шаклланган.

REFERENCES

1. Сатвалдиев Рахимжон Хасанович, Ешняязов Джамшид Джахангирович, “Ўзбекистон статистика ахборотномаси” илмий электрон журнали.2019 йил, 2-сон.
2. <https://population.un.org/wpp/Download/Standard/Interpolated/> БМТнинг Аҳолишунослик бўлими расмий сайти.
3. Самсыгина Г.А,Козлова Л.В. Пневмония. Педиатрия. Национальное руководство.М: Геотар-Медиа, 2009; 119-139.
4. Султонов.Р.К, Содикова.З.Ш. Бир ёшгача бўлган чақолоқларда ўпка бронхларининг постнатал онтогенетик ривожланиш кўрсаткичлари.// Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий фаолиятига мувофиқлаштириш27.04.2022. 8-п/394 Тошкент-2022.
5. М.С.Абдуллахўжаева. Паталогик анатомия. II-қисм. Тошкент-2012 й.
6. Нафас аъзолар касалликлари: хавфли оқибатлардан профилактика ва даво чораларига. Хайрулло Ражабов 08.09.2020 й. <http://www.ssv.uz/> .

7. Содиқова.З.Ш, Султонов.Р.К. Илк болалик даврида ўпка ўзани ва бронх дарахти тарақиёти, ўзига хос тузилиши // Тиббиётда янги кун. Илмий-рефератив, маънавий - маърифий журнал. 2021.- № 5 (37) Б. 48-50.(14.00.00; №22).